

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

УДК: 633.854 : 631.51

КУНГАБОҚАР МАШЬАЛ F₁ ДУРАГАЙИННИНГ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

Луков Мамадали Кудратович доцент қ.х.ф.н. ,

Эргашев Жасур Шерали ўғли талаба

Аннотация: Кунгабоқарнинг янги тезпишар, серҳосил “Машъал F₁ дурагайи” нинг морфологик ва қимматли хўжалик белги хусусиятлари ҳамда агротехнологияси ҳақида қисқача маълумотлар берилган..

Калит сўзлар: Кунгабоқар, селекция, нав, дурагайнинг биринчи (F₁) ав лоди, гетерозис, тизмалараро, экиш муддати, туп қалинлигдорлик..

Кириш. Республикаиз аҳолисини арzon ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалик экинлари майдонининг структураси ўзгартирилди. Ўзга экин майдонлари камайтирилиб, озиқ овқат учун ишлатиладиган экинлар, жумладан, соя ва кунгабоқар каби мойли экинларнинг майдони кенгайтирилди

Кунгабоқар дурагайларининг биринчи (F₁) авлодидан экишга тавсия этилган навларга нисбатан 30-35% юқори ҳосил олинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган Душко F₁, ЛГ56.35 F₁, ЛГ55.80 F₁ Владимир F₁, дурагайларининг ҳосилдорлиги 33-34 ц/га. га teng. Бироқ маҳаллий шароитимизда яратилаётган навлар ва дураагайларнинг ҳосилдорлиги хорижда яратилган дурайлардан қолишмайди

Жумладан мойли кунгабоқарнинг Машъал F₁ дурагайи 2018 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилиб, экишга тавсия этилди. (Гувоҳнома № 602)

Тадқиқот обьекти ва методлари: тадқиқот обьекти сифатида Передовик навининг ўзидан чанглатилган тўққизинчى авлод тизмаси билан, Лучаферул дурагайнинг ўзидан чанглатилган саккизинчى авлод тизмаларидан фойдаланилди. Гетерозис қобилиятига эга бу тизмалар бир-бир билан ўзаро чатиштирилиб, тизмалараро Машъал F₁ дурагайи яратилди. Тадқиқотлар ўтказишида Бутунrossия мойли экинлар илмий тадқиқот институти (1991й.) Ўзбекистон ўсимликшунослик

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

илмий тадқиқот институти (2009й.) услубларидан фойдаланилди. Машъал F₁ дурагайи гетерозис қобилияйтга эга бўлиб, дурагайнинг биринчи авлод уруғликлари экиласди. Институт илмий ходимлари томонидан бу дурагайнинг оригинал уруғлигини етиштириш йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижалари Машъал F₁ дурагайи тезпишар, ўсув даври 78-79 кун. Асосий экин сифатида 36-38 ц/га, такорий экин сифатида 32-33ц/га ҳосилдорликка эга. Ўсимлик бўйи 155-156 см, пояси шохламайди. Битта ўсимлиқда барглар сони 28-30 та, барг банди калта, барг узунлиги 24-25см. ва эни 21-23см..Пастки иккита барг бир-бирига рўпара жойлашган., бешинчи баргдан бошлаб барглар навбатлашиб жойлашади. Еттинчи барг шакллангандан кейин тўпгул шакллана бошлайди. Ўсув даври охирида барглар оч яшил тусда бўлади. Тўпгулдаги гуларнинг чангланиш ва уруғланиш жараёни 9-10 кунда бўлиб ўтади. Савтчаси йирик –диаметри 22-23 см., шакли дисксимон ва юзаси текис, битта саватчадаги уруғлар сони ўртача 1300-1400 дона, пистаси қора тусли, 1000 уруғининг массаси 84-86 г.қобик чиқими 24%, мутлоқ қуруқ уруғдаги мой микдори 50,3 %. Янги дурагайнинг фотосинтетик қобилияти юқори, фузариоз, ботритс, склеротиниоз ва занг касалликлариға чидамли. Пистаси пучоғинининг панцирлиги 100 %, кунгабоқар қуяси билан мутлақо заарлланмайди. Ҳосилини комбайнда йиғиштириб олишга мос.

Кунгабоқарнинг Машъал F₁ дурагайини экиш, эртаги муддатларда :-Са марқанд вилояти шароитида 1- 5 апрель, , Қашқадарё вилояти 20-25 март, Сурхондарё вилоятида 15-20 марта, кузги буғдойдан бўшаган ерда ёзда , такорий экин сифатида:-Самарқанд вилояти шароитида 25 – 30 июн, Қашқадарё вилояти 5-10-июл, Сурхондарё вилоятида10- 15 июл муддатларда экиш. Гектарига 64-66 минг туп қалинликда ўсимликларни ўстириш ёки уруғларни 70x22 см. экиш схемада экиш мақсадга мувофиқ. Экиш олди 10 тонна чириган гўнг бериш зарур. Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри: гектарига- соф ҳолда Азот-250, Фосфор-175, Калий-225 кг. бўлиб, фосфорли ва калийли ўғитларнинг барча қисмини ургуни экиш олдидан, азотли ўғитнинг 20% қисмини экиш билан биргаликда, 30% қисми майсалар тўлиқ ўниб чиққач, қолган 40% қисми саватча ҳосил қилиш fazasida берилди.

Биринчи культивация ниҳолларнинг бўйи 8-10 см бўлган даврида культиватор ишчи органларини ўсимлиқдан 7-8 см узоқликда, ротацион мосламаларни 5-6 см, пичоқларни 6-8 см, ўткир учли гоз панжаларни 10-12 см

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

чуқурликда ўрнатиш керак. Иккинчи культивация 2-3 жуфт чинбарг чиқарган вақтида, агар бегона ўтлар кўп бўлса, ротацион мосламалардан кам бўлса пичноқлардан, кейин наральниклардан ҳамда панжалардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу ишловда ҳимоя зонаси 7-10 см.ни ташкил этиб, ротацион мосламалар 6-8 см, наральниклар 8-10 см ва панжалар 12-14 см чуқурликда ўрнатилди. Учинчи культивация даврида ҳимоя зонаси 6-8 см. ни ташкил қиласди ва бошқа органлар 14-18 см чуқурликда жойлаштирилиши лозим.

Ўсимлик бўйи 80-100 см. га етганда қатор ораларига ишлов бериш тўхтатилди.

Гуллаш фазасида саватчаларидаги гулларни 2 марта сунъий равища қўшимча чанглатиш ўtkазиш туфайли эртаги муддатларда ўстирилган кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги 12-13%, ёзда буғдойдан бўшаган ерларда такорий экин сифатида ўстирилганда 28-31 % қўшимча ҳосил олинади.

Шулар билан биргаликда суғоришга катта эътибор берилиб, асосий экин (эртаги муддатда) сифатида ўстирилганда:- суғоришни тупроқнинг намлигини ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % да ушлаш учун, далани 4 марта (2-2-0 тартибда) ва такорий экин сифати (кузги буғдойдан бўшаган ер) да ўстирилганда эса :- суғоришни тупроқнинг намлигини ЧДНС га нисбатан 70-75-60 % да ушлаш учун 5 марта (2-3-0 тартибда) суғориш ўtkазиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида кўрсатилган агротехнологик қоидаларига риоя қилнганда Машъал F₁ дурагайидан асосий экин сифатида 35-38 ц/га., такорий экин сифатида 28-30-ц/га ҳосил етиштирилади..

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Абдукаримов Д.Т.Халилов Н.Х,Луков Кунгабоқар ўстиришга оид тавсиялар т.2019
- 2.Аманова А., Рустамов А. - «Мойли экинлар жаҳон коллекциясини ўрганиш бўйича услубий қўлланма» Тошкент “Биоэкосон” 2010.-б.11-13.
- 3.Остонақулов Т.Э.,Луков М.Қ. ва бошқ. “Машъал F1 дурагайи” (гувоҳнома № 602). Т. 2018.
- 4.Пустовойт В.С. Подсолнечник // В кн. Руководство по селекции и семено- водству масличных культур – М., 1967 г.- с.7-44.
- 5.Луков М.К..Туракулов О. X. Kungaboqar urug'inining sifatiga ekish xemasining ta'siri O'ZBEKİSTON AGRAR FANI XABARNOMASI № 3 (9/2) 2023 ilmiy-amaliy jurnal (Maxsus son) 170-173 b..